

Фикр дурдоналари (22-қисм)



11:03 / 01.04.2017 5390

111. Чин дўстлар билан боғлиқ уч нарса бўлади:

1. Ундай дўстларни топиш қийин бўлади.
2. Ундай дўстларни тарк этиш қийин бўлади.
3. Ундай дўстларни унутишнинг иложи бўлмайди.

112. Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ айтадилар: "Қайси бир шахс Аллоҳнинг унга берган неъматини кўриб, "Алҳамдулиллаҳиллазий биниъматиҳи татиммус солиҳаат" (Аллоҳга ҳамд бўлсин, Унинг берган неъматини билан солиҳ амаллар мукамал бўлади) деса, Аллоҳ уни бой қилади ва унга неъматини зиёда этади".

113. Сермулозаматликда муболаға қилма, тағин нифоқ қудуғига тушиб кетмагин! Очиқчасига гапиришда муболаға қилма, тағин уятсизлик ботқоғига ботиб қолмагин!

114. Эмадиган гўдак Мусо алайҳиссалом заифликнинг чўққисида бўлсалар ҳам сувга ғарқ бўлмадилар. Фиръавн куч-қувватли бўлса ҳам денгизга ғарқ бўлди.

115. Ишингни Холиққа топшир ва хотиржам бўл. Аллоҳ сенга ёзганидан бошқа нарса ҳаргиз сенга етмайди.

Қуйидаги маълумотлар фейсбукдаги “Роваиъул фикр” (Фикр дурдоналари), “Ховатир роқия” (Салмоқли фикрлар) каби саҳифалардан олинган.

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси